

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
Хайъати мажлиси
12-сон баёни

2018 йил 19 октябрь

15 ⁰⁰

Тошкент ш.

- Раислик қилувчи:** М.Бобожанов – Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директор ўринбосари
- Қатнашганлар:** Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Хайъати аъзолари, бўлим ва бошқарма бошлиқлари, етакчи экспертлари ва мутахассислари, Ўқув маркази раҳбари ва мутахассислари

Хайъат мажлиси раиси М.Бобожанов кун тартибини муҳокамага қўйди. Хайъат аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан:

1. Агентлик бош директори ўринбосари М.Бобожановнинг Агентлик фаолиятининг 2018 йил 9 ойлик яқунлари натижалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Ҳисоботда талабномалар сонидаги ўсиши каби ижобий кўрсаткичлар билан биргаликда, мавжуд муаммолар, жумладан:

-талабномалар бўйича экспертиза ўтказиш кўрсаткичи ижобий бўлишига қарамасдан, уларни давлат реестрида қайд этиш ва муҳофаза ҳужжати бериш кўрсаткичларини пасайиши кузатилгани;

-ихтиролар ва фойдали моделлар бўйича патент қидирув жараёнини тезлаштириш мақсадида, тизимда калит сўз билан қидиришни йўлга қўйиш;

-Агентлик томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирги пайтда Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига киритилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқ жараёнларни якунига етказиш лозимлиги;

-товар белгилари ва фойдали моделлар бўйича экспертиза жараёнларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга эътибор қаратиш муаммолари таъкидлаб ўтилди.

2. Интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан мониторинг бўлими бош мутахассиси Б.Базаровнинг контрафакт билан кураш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш муаммолари ҳақидаги маърузаси тингланди.

Маърузада муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ объектлари ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида давлат реестрини тузиш ҳамда ушбу реестрга киритилган объектларга махсус голографик контрол белгисини қўйиш орқали ҳуқуқ эгалари, тегишли назорат қилувчи органлар ва истеъмолчиларни контрафакт

маҳсулотларни тезда ажрата олишларига қулайлик яратилишига имкон яратиш таклифи берилди. Маърузада бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибаси билан таништирилди.

3. Таҳлилий ишлар ва патент ҳужжатлари бўлими бошлиғи Ф.Раҳимовнинг Агентлик бўлимлари ва Ўқув марказида 2018 йил 9 ойлик яқунлари бўйича ижро интизоми ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Муҳокамаларда Ҳайъат аъзолари иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича қилинган маърузалар, берилган ахборотлар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Агентлик Ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Агентлик бош директори ўринбосари М.Бобожановнинг Агентлик фаолиятининг 2018 йил 9 ойлик яқунлари натижалари тўғрисидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. **ИМОМРЎ бўлими** (А.Аҳмедова) талабномалар бўйича экспертиза ўтказиш кўрсаткичи ижобий бўлишига қарамасдан, уларни давлат реестрида қайд этиш ва муҳофаза ҳужжати бериш кўрсаткичларини пасайиши сабаблари ўрганилсин ва кўрсаткичларни ижобий тарафга ўзгартириш учун зарур чоралар кўрилсин.

3. **СНДИТЭ ва ТБЭ бўлими** (Д.Шерматов), **ИДИТЭ ва ФМЭ** (С.Каримова) товар белгилари ва фойдали моделлар бўйича экспертиза жараёнларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга эътибор қаратилсин.

4. **АКТ жорий этиш ва АХТ бошқармаси** (А.Джураев) 2 ой муддатда ихтиролар ва фойдали моделлар бўйича патент қидирув жараёнини тезлаштириш мақсадида, тизимда калит сўз билан қидиришни йўлга қўйилсин.

5. Интеллектуал мулк соҳасидаги конунчиликка риоя қилиниши юзасидан мониторинг бўлими бош мутахассиси Б.Базаровнинг “Контрафакт билан кураш: муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлаш муаммолари” ҳақидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

6. **Бош директор** (А.Файзуллаев) раҳбарлигида Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ объектларини Агентликда рўйхатдан ўтказиш (депонентлаш) ва уларнинг реестрини юритишни мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса бериш учун **ишчи гуруҳ** (Ж.Мансуров, Ў.Ибрагимов, В.Аллаяров, А.Йулдошов, Б.Базаров, Ш.Юсупов, Э.Саттаров) тузилсин. Ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши 1 ой муддатда ўтказилсин.

7. Таҳлилий ишлар ва патент ҳужжатлари бўлими бошлиғи Ф.Раҳимовнинг Агентлик бўлимлари ва Ўқув марказида 2018 йил 9 ойлик яқунлари бўйича ижро интизоми ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

8. **ТИ ва ПХ бўлими** (Ф.Раҳимов) **АКТ жорий этиш ва АХТ бошқармаси** (А.Джураев) 2 ҳафта муддатда е-іҗро тизими ишлаш жараёни билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ушбу тизим билан бевосита ишловчи ходимлар иштирокида йиғилиш ўтказилсин ва мавжуд камчиликлар бартараф этилсин.

9. **ТИ ва ПХ бўлими** (Ф.Раҳимов) ижро интизоми мунтазам равишда назоратга олинсин ва бу ҳақда Агентликнинг ҳафталик мажлисларида ҳисобот бериб борилсин.

Баёни олиб борди

К. Тухтаева

